

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

Наманган муҳандислик-педагогика институти

“Қурилиш” факультети

“Бино ва иншоотлар қурилиши” кафедраси

“Қурилиш конструкциялари” фанидан

Курс лойиҳаси

Бажарди:

27-ҚМБКИЧ-11 гуруҳ талабаси
А.Мамадалиев

Қабул қилди:

асс. Р.Мавлонов

Наманган 2014 йил

Кўп қаватли каркасли бинонинг ораёпма конструкцияларини ҳисоблаш

1. Лойиҳалаш учун умумий маълумотлар

Тўрт қаватли, устун тўри $5,4 \times 5,8$ м ва режадаги ўлчамлари $16,2 \times 58$ м бўлган каркасли бинонинг қаватлари баландлиги – $3,2$ м. Вақтинчалик юкламанинг меъёрий қиймати $v=6000$ $H/м^2$, шундан -1800 $H/м^2$ (яъни 30% и) қисқа муддатли юклама. Бинонинг тури бўйича ишончлилик коэффиценти $\gamma_n=0,95$. Қурилиш жойи Бухоро шаҳри қор юкламаси бўйича I районга мансуб.

2. Йиғма ораёпма конструктив схемасининг компоновкаси

Кўндаланг рама ригеллари уч сакрамли четки ва ўрта устунлар билан таянчда бикр бирлаштирилган. Саноат биноси бўлгани учун ораёпма плитаси қобурғали бўлиб олдиндан зўриктирилган (Жамоат биноларида кўп бўшлиқли ораёпмалар қўлланилади). Плитанинг энини 1400 мм қабул қиламиз; боғловчи плиталар устун қатори бўйича жойлашади; четки девор олди плиталари ригелга ва четки устунларга ўрнатилган махсус пўлат таянчларга тиралади.

Бўйлама йўналишда бинонинг бикрлигини устун қатор оралиғидан бирига ўрнатилган вертикал боғловчилар таъминлайди. Кўндаланг йўналишда ҳам бинонинг бикрлиги боғловчилар системаси ёрдамида таъминланади. Шамол юкламаси горизонтал бикр диск сингари ишлаётган ораёпма орқали, вертикал боғловчи диафрагма вазифасини бажарувчи четки деворларга узатилади.

3. Қобурғали плитани биринчи гуруҳ чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаш **Ҳисобий сакрам ва юкламалар**

Плитанинг ҳисобий оралиғини аниқлаш учун ригелнинг кўндаланг кесим ўлчамларини олдиндан белгилаймиз:

$$h = \left(\frac{1}{10} \div \frac{1}{20} \right) l = \frac{1}{11} \cdot 540 = 49,1 \approx 50 \text{ см},$$

$$b = (0,3 \div 0,5) h = 0,45 \cdot 50 = 22,5 \approx 20 \text{ см}$$

Плита ригел устига тиралгандаги ҳисобий оралик:

$$l_0 = l - \frac{b}{2} = 580 - \frac{20}{2} = 570 \text{ см} \approx 5,7 \text{ м}$$

Ораёпманинг 1 м^2 юзасига тўғри келадиган юкламалар ҳисоби 1-жадвалда келтирилган.

1 м² ораёпма учун меъерий ва ҳисобий юкламалар

| Юкламалар тури | Меъерий юклама Н/м ² | Юклама бўйича ишончилилик коэффициенти | Ҳисобий юклама Н/м ² |
|---|---------------------------------|--|---------------------------------|
| Доимий: Қобурғали плитадан | 2500 | 1,1 | 2750 |
| Цемент коришмали қатламдан δ=20 мм (ρ=2200 кг/м ³) | 440 | 1,3 | 570 |
| Сопол плиткалар δ=13 мм (ρ=1800 кг/м ³) | 240 | 1,1 | 264 |
| Ж а м и | 3180 | | 3584 |
| Вактинчалик: <i>шу жумладан:</i> | 6000 | 1,2 | 7200 |
| узоқ муддатли: | 4200 | 1,2 | 5040 |
| киска муддатли: | 1800 | 1,2 | 2160 |
| Тўла юклама: <i>шу жумладан:</i> | 9180 | | 10784 |
| доимий (3180) ва узоқ муддатли (4200) | 7380 | | - |
| киска муддатли (1800) | 1800 | | - |

Эни 1,4 м бўлган плитанинг 1 м узунлигига тушаётган ҳисобий юклама (бинонинг тури бўйича ишончилилик коэффициенти $\gamma_n=0,95$ ни ҳисобга олган ҳолда)

$$\text{доимий} \quad g=3,584 \cdot 1,4 \cdot 0,95 = 4,76 \text{ кН/м}$$

$$\text{тўла} \quad g+v=10,784 \cdot 1,4 \cdot 0,95 = 14,34 \text{ кН/м}$$

1 м узунликка тўғри келган меъерий юклама:

$$\text{доимий} \quad g=3,18 \cdot 1,4 \cdot 0,95 = 4,23 \text{ кН/м}$$

$$\text{тўла} \quad g+v=9,18 \cdot 1,4 \cdot 0,95 = 12,2 \text{ кН/м}$$

Шу жумладан доимий ва узоқ муддатли юклама

$$7,38 \cdot 1,4 \cdot 0,95 = 9,82 \text{ кН/м}$$

Ҳисобий ва меъерий юкламалардан ҳосил бўлган зўриқишлар

Ҳисобий тўла юкламадан:

$$M = \frac{(g+v) \cdot l_0^2}{8} = \frac{14,34 \cdot 5,7^2}{8} = 58,2 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

$$Q = \frac{(g+v) \cdot l_0}{2} = \frac{14,34 \cdot 5,7}{2} = 40,9 \text{ кН};$$

Меъерий тўла юкламадан:

$$M = \frac{12,2 \cdot 5,7^2}{8} = 49,5 \text{ кН} \cdot \text{м}; \quad Q = \frac{12,2 \cdot 5,7}{2} = 34,8 \text{ кН};$$

Меъерий доимий ва узоқ муддатли юкламалардан:

$$M = \frac{9,82 \cdot 5,7^2}{8} = 39,9 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

Плита кесими ўлчамларини белгилаш

Олдиндан зўриктирилган плита кесими баландлиги

$$h = \left(\frac{1}{20} \div \frac{1}{30} \right) \cdot l_o = \frac{570}{20} = 28,5 \text{ см}, h=30 \text{ см қабул қиламиз.}$$

кесимнинг ишчи баландлиги: $h_o = h - a = 30 - 3 = 27 \text{ см}$

бўйлама қобурғаларнинг пастки эни - 7 см: юқори токчанинг эни 136 см.

Биринчи гуруҳ чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоблаганда тавр кесим сиқилган токчасининг ҳисобий қалинлиги $h_f/h = 5/30 = 0,167 > 0,1$ у ҳолда токча энини тўла узунлиги ҳисобга киритилади. $b_f = 136 \text{ см}$; қобурғанинг ҳисобий эни $b = 2 \cdot 7 = 14 \text{ см}$.

Бетон ва арматураларнинг мустаҳкамлиги тавсифлари

Олдиндан зўриктирилган қобурғали плита **К-7** синфли юқори мустаҳкамликдаги арматура билан арматураланади. Арматурани стенд-механик усулда олдиндан зўриктирилган. Плита **В50** синфли оғир бетон танланган бўлиб, унинг призматик мустаҳкамлиги:

меъёрий $R_{bn} = R_{b,ser} = 36 \text{ МПа}$; ҳисобий $R_b = 27,5 \text{ МПа}$: Бетоннинг иш шароити коэффиценти $\gamma_{b2} = 0,9$: чўзилишга бўлган меъёрий қаршилиги $R_{btm} = R_{bt,ser} = 2,3 \text{ МПа}$; ҳисобий қаршилиги: $R_{bt} = 1,55 \text{ МПа}$: Бетоннинг бошланғич эластиклик модули $E_b = 35000 \text{ МПа}$.

Бетоннинг етуклик мустаҳкамлиги R_{bp} ни шундай белгилаш керакки, бунда сиқилишдаги кучланишлар нисбати $\sigma_{bp} / R_{bp} \leq 0,75$ шарт қаноатлантирилсин.

Бўйлама қобурғаларнинг арматураси $\varnothing 15 \text{ К-7}$, унинг меъёрий ва ҳисобий қаршиликлари: $R_{sn} = 1290 \text{ МПа}$ ва $R_s = 1080 \text{ МПа}$, эластиклик модули $E_s = 180000 \text{ МПа}$

Арматурани тортишдаги дастлабки кучланиш: $\sigma_{sp} = 0,9 R_{sn} = 0,9 \cdot 1290 = 1100 \text{ МПа}$ ва куйидаги шарт бажарилишини текширамиз:

Механик усулда тортилганда:

$$\Delta \sigma_{sp} = 0,05 \sigma_{sp} = 0,05 \cdot 1100 = 55 \text{ МПа};$$

$$\sigma_{sp} + \Delta \sigma_{sp} = 1100 + 55 = 1155 \text{ МПа} < R_{sn} = 1290 \text{ МПа}$$

$$\sigma_{sp} - \Delta \sigma_{sp} = 1100 - 55 = 1045 \text{ МПа} > 0,3 R_{sn} = 0,3 \cdot 1100 = 330 \text{ МПа}$$

Дастлабки кучланишнинг чегаравий четлашишини ҳисоблаймиз

$$\Delta \gamma_{sp} = 0,5 \frac{\Delta \sigma_{sp}}{\sigma_{sp}} \left(1 + \frac{1}{\sqrt{n_p}} \right) = 0,5 \cdot \frac{55}{1100} \cdot \left(1 + \frac{1}{\sqrt{2}} \right) = 0,04 < 0,1$$

бу ерда: n_p – зўриктириладиган арматуралар сони (2 ёки 4 та олинади).

Механик усулда тортилганда $\Delta \gamma_{sp} = 0,1$ қабул қиламиз.

Дастлабки зўриқишни мустаҳкамликни оширишга қулай таъсир этгандаги тортилиш аниқлиги коэффиценти: $\gamma_{sp} = 1 - \Delta \gamma_{sp} = 1 - 0,1 = 0,9$

Плитанинг юқори зонасида дарзлар ҳосил бўлишига ҳисоблаганда:

$$\gamma_{sp} = 1 + \Delta \gamma_{sp} = 1 + 0,1 = 1,1$$

Тортиш аниқлигини ҳисобга олган ҳолдаги дастлабки зўриқиш:

$$\sigma_{sp} = 0,9 \cdot 1100 = 990 \text{ МПа}$$

Плитани бўйлама ўққа (нормал) тик кесимлар бўйича мустаҳкамликка

ҳисоблаш

$M=58,2$ кН·м: токчаси юқори зонада жойлашган тавр кесимда

$$A_0 = \alpha_m = \frac{M}{\gamma_{b2} \cdot R_b \cdot b_f' \cdot h_0^2} = \frac{58,2 \cdot 10^5}{0,9 \cdot 27,5 \cdot 136 \cdot 27^2 \cdot 100} = 0,024$$

2-иловадан $\xi=0,02$; $\eta=0,99$ ларни интерполяция қилиб танлаймиз.

$x=\xi h_0=0,02 \cdot 27=0,54$ см < 5 см демак нейтрал ўқ сиқилувчи токча ичидан ўтади.

Сиқилувчи зонанинг характеристикасини ҳисоблаймиз:

$$\omega=0,85-0,008 \gamma_{b2} \cdot R_b=0,85-0,008 \cdot 0,9 \cdot 27,5=0,65$$

Сиқилувчи зонанинг чегаравий баландлиги:

$$\xi_R = \frac{\omega}{\left[1 + \frac{\sigma_{SR}}{500} \cdot \left(1 - \frac{\omega}{1,1} \right) \right]} = \frac{0,65}{\left[1 + \frac{787}{500} \cdot \left(1 - \frac{0,65}{1,1} \right) \right]} = 0,395$$

бу ерда: $\sigma_{sp}=R_s+400-\sigma_{sp}=1080+400-693=787$ МПа;

барча йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда дастлабки кучланишни қуйидагига тенг деб оламиз:

$$\sigma_{sp}=0,7 \cdot 990=693 \text{ МПа}$$

Олдиндан зўриқтирилган арматуранинг шартли оқувчанлик чегарасидан кейинги қаршилигини ҳисобга олувчи иш шароити коэффиценти:

$$\gamma_{s6} = \eta - (\eta - 1) \left(\frac{2\xi}{\xi_R} - 1 \right) = 1,15 - (1,15 - 1) \left(\frac{2 \cdot 0,02}{0,395} - 1 \right) = 1,21 > \eta = 1,15$$

бу ерда: $\eta=1,15$, К-7 синфли арматура учун $\gamma_{s6}=1,15$ – қабул қиламиз.

Чўзилувчи арматуранинг кўндаланг кесим юзасини аниқлаймиз.

$$A_s = \frac{M}{\gamma_{s6} \cdot R_s \cdot \eta \cdot h_0} = \frac{58,2 \cdot 10^5}{1,15 \cdot 1080 \cdot 0,99 \cdot 27 \cdot 100} = 2,75 \text{ см}^2;$$

Юзаси $A_s=2,83$ см² бўлган 2Ø15 К-7 синфли арматуранинг қабул қиламиз.

Плита токчасининг маҳаллий сиқилишга ҳисоби

Қобурғанинг юқоридаги эни 9 см бўлганда ҳисобий оралик:

$$l_0=136-2 \cdot 9=118 \text{ см га тенг}$$

Токчанинг 1м² юзасига тўғри келган юклама

$$(g+v) \gamma_n=10,784 \cdot 0,95=10,24 \text{ кН/м}^2$$

эни 1 м бўлган ҳисобий кесим учун эгувчи момент токчани қобурғага қисман бириктирилганлигини ҳисобга олган ҳолда аниқланади:

$$M = \frac{10,24 \cdot 1,18^2}{11} = 1,3 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

Кесимнинг ишчи баландлиги: $h_0=5-1,5=3,5$ см

Пайвандланган тўрлар учун Ø5 Вр-I синфли сим арматура қабул қиламиз, унинг ҳисобий қаршилиги: $R_s=360$ МПа

$$A_0 = \alpha_m = \frac{1,3 \cdot 10^5}{0,9 \cdot 27,5 \cdot 100 \cdot 3,5^2 \cdot 100} = 0,04$$

2-иловадан $\eta=0,98$

$$A_s = \frac{1,3 \cdot 10^5}{360 \cdot 0,98 \cdot 3,5 \cdot 100} = 1,06 \text{ см}^2;$$

Қадами $S=150$ мм бўлган $6\text{Ø}5$ Вр-I ва унинг юзаси $A_s=1,18 \text{ см}^2$ кўндаланг ишчи арматурали тўрни қабул қиламиз.

Қобурғали плитанинг бўйлама ўқига қия кесимлар бўйича мустаҳкамликка ҳисоби

$Q=40,9$ кН; Ҳисобий қия кесимнинг бўйлама ўққа проекциясини ҳисоблаймиз. Сиқилган токчаларнинг осилиб туришини таъсири (қобурғалар 2 та бўлганда):

$$\varphi_f = 2 \cdot \frac{0,75 \cdot 3 \cdot h_f^I \cdot h_f}{b \cdot h_0} = 2 \cdot \frac{0,75 \cdot 3 \cdot 5 \cdot 5}{14 \cdot 27} = 0,29 < 0,5$$

Бўйлама сиқувчи куч таъсири $P_{02}= 215,8$ кН

$$\varphi_n = \frac{0,1N}{R_{bt} \cdot b \cdot h_0} = \frac{0,1 \cdot 215800}{1,55 \cdot 14 \cdot 27 \cdot 100} = 0,36 < 0,5$$

$$1 + \varphi_n + \varphi_f = 1 + 0,29 + 0,36 = 1,65 > 1,5$$

$1 + \varphi_n + \varphi_f = 1,5$ қабул қиламиз.

$$B = \varphi_{b2}(1 + \varphi_n + \varphi_f) R_{bt} \cdot b \cdot h_0 = 2 \cdot 1,5 \cdot 0,9 \cdot 1,55 \cdot 14 \cdot 27^2 \cdot (100) = 4271211 \text{ Н} \cdot \text{см}$$

Ҳисобий қия кесимда $Q_b = Q_{sw} = Q/2$ бундан келиб чиқиб:

$$C = \frac{B}{0,5Q} = \frac{4271211}{0,5 \cdot 40900} = 208 \text{ см} > 2h_0 = 2 \cdot 27 = 54 \text{ см}$$

$C=54$ см қабул қиламиз; бунда

$$Q_b = \frac{B}{C} = \frac{4271211}{54} = 79096 \text{ Н} > Q = 40900 \text{ Н}$$

Шундай экан, ҳисоб бўйича кўндаланг арматура талаб қилинмайди.

Узунлиги $l/4$ бўлган таянч олди қисмида конструктив шарт асосида $\text{Ø}4$ Вр-I синфли арматурани $S=h/2=30/2=15$ см қадамда ўрнатамиз. Сакрам ўрта қисмидаги арматура қадами $S=3h/4=3 \cdot 30/4=22,5$ см, $S=20$ см қабул қиламиз.

4. Қобурғали плитани иккинчи гуруҳ чегаравий ҳолатлар бўйича ҳисоби

Келтирилган юзанинг геометрик характеристикалари

Бетон ва арматуранинг эластиклик модуллари нисбати:

$$\alpha = \frac{E_s}{E_b} = \frac{180000}{35000} = 5,14$$

Келтирилган кесим юзаси:

$$A_{red} = A_b + \alpha \cdot A_s = 136 \cdot 5 + 14 \cdot 25 + 5,14 \cdot 2,83 = 1045 \text{ см}^2$$

Келтирилган кесим юзасининг қуйи четига нисбатан олинган статик моменти:

$$S_{red} = 136 \cdot 5 \cdot 27,5 + 14 \cdot 25 \cdot 12,5 + 5,14 \cdot 2,83 \cdot 3 = 23118 \text{ см}^3$$

Қуйи четдан келтирилган кесимнинг оғирлик марказигача бўлган масофа:

$$y_{red} = \frac{S_{red}}{A_{red}} = \frac{23118}{1045} = 22 \text{ см}$$

Келтирилган кесимнинг инерция моменти

$$I_{red} = \frac{136 \cdot 5^3}{12} + 136 \cdot 5 \cdot 5,5^2 + \frac{14 \cdot 25^3}{12} + 14 \cdot 25 \cdot 9,5^2 + 5,14 \cdot 2,83 \cdot 19^2 = 91196 \text{ см}^4;$$

Келтирилган кесимнинг қуйи зонаси бўйича қаршилик моменти:

$$W_{red} = \frac{I_{red}}{y_{red}} = \frac{91196}{22} = 4145 \text{ см}^3$$

Шу кесимнинг юқори зонаси бўйича қаршилик моменти:

$$W_{red}^I = \frac{I_{red}}{h - y_{red}} = \frac{91196}{30 - 22} = 11400 \text{ см}^3$$

Чўзилувчи зонадан энг узок ядровий нуктадан (юқорига) келтирилган кесимнинг оғирлик марказигача бўлган масофа:

$$r = \varphi_n \cdot \frac{W_{red}}{A_{red}} = 0,85 \cdot \frac{4145}{1045} = 3,37 \text{ см}$$

худди шундаги, энг яқин масофа (пастки)

$$r_{inf} = 0,85 \cdot \frac{11400}{1045} = 9,26 \text{ см}$$

бу ерда: $\varphi_n = 1,6 - \sigma_b / R_{b,ser} = 1,6 - 0,75 = 0,85$

Бетондаги меъёрий юкламалардан ҳосил бўлган кучланишни бетоннинг хисобий қаршилигига нисбати иккинчи группа чегаравий ҳолатлар учун тахминан 0,75 га тенг деб оламиз.

Чўзилувчи зона бўйича эластик-пластик қаршилик моменти.

$$W_{pl} = \gamma \cdot W_{red} = 1,75 \cdot 4145 = 7254 \text{ см}^3$$

бу ерда: $\gamma = 1,75$ токчаси сиқилувчи зонада бўлган тавр кесим учун.

Элементни тайёрлаш ва тортилган арматуранинг сиқилиш босқичдаги чўзилувчи зона бўйича эластик-пластик қаршилик моменти:

$$W'_{pl} = \gamma \cdot W'_{red} = 1,5 \cdot 11400 = 17100 \text{ см}^3$$

бу ерда $\gamma = 1,5$. $b_f/b > 2$ ва $h_f/h < 0,2$ бўлгандаги токчаси чўзилувчи зонада бўлган тавр кесим учун.

Арматурадаги дастлабки кучланишларнинг йўқолиши

Арматурани тортиш аниқлиги коэффиценти $\gamma_{sp} = 1$

Биринчи йўқотишлар:

1. Арматурадаги кучланишни деформация ўзгармаган ҳолдаги камайиши (1-йўқотишлар) - кучланишлар релаксацияси:

Механик усулда тарангланганда:

Сим ва арқонсимон арматура учун:

$$\sigma_I = 0,22 \cdot \left(\frac{\sigma_{sp}}{R_{sn}} - 1 \right) \cdot \sigma_{sp} = 0,22 \cdot \left(\frac{1100}{1290} - 1 \right) \cdot 1100 = 96,4 \text{ МПа};$$

Стерженли арматура учун:

$$\sigma_I = 0,1 \sigma_{sp} - 20$$

Электротермик ва электротермомеханик усулда тарангланганда:

Сим ва арқонсимон арматура учун:

$$\sigma_I = 0,05 \sigma_{sp}$$

Стерженли арматура учун:

$$\sigma_I = 0,03 \sigma_{sp}$$

2. Тарангланган арматура билан тортқич орасидаги температуралар фарқи Δt ҳам $B15...B40$ классли бетонни буғлаш ёки қиздириш жараёнида олдиндан уйғотилган кучланишни камайиши.

$$\sigma_2 = 1,25 \Delta t = 1,25 \cdot 65 = 81,25 \text{ МПа}$$

бу ерда: Δt нинг аниқ қиймати берилмаса 65°C га тенг қилиб олинади. Бетоннинг классли $B45$ ва ундан юқори бўлса $1,25$ коэффиценти $1,0$ га алмаштирилади.

Фақат *стенд механик* усулда тортилганда рўй беради. Қолган усулларда $\sigma_2 = 0$ олинади.

3. Тортувчи қурилмадаги анкерлар деформацияланиши натижасида дастлабки кучланишни камайиши:

Механик усулда таянчга тортилганда

$$\sigma_3 = \frac{\lambda}{l} E_s = \frac{2}{5800} \cdot 180000 = 52 \text{ МПа}$$

бу ерда

$\lambda = 2 \text{ мм}$ – қисилган шайбаларнинг сиқилиши;

$\lambda = 1,25 + 0,15d$ – инвентар қисқичларда арматуранинг силжиши;

d – стержень диаметри, мм;

l – тортилаётган арматуранинг узунлиги (қолип ёки стендн таянчининг ташқи таянчлари орасидаги масофа), мм.

Электротермик усулда тортилганда

$$\sigma_3 = 0$$

Бетонга тортилганда

$$\sigma_3 = \frac{\Delta l_1 + \Delta l_2}{l} E_s$$

бу ерда:

Δl_1 – бетон билан анкер орасига қўйиладиган шайба ёки қистирманнинг сиқилиши бўлиб, қиймати 1 мм га тенг;

Δl_2 – стакансимон анкернинг деформацияси, қиймати 1 мм га тенг; тиргакларга тираб тарангланганда $\Delta l_1 + \Delta l_2 = \Delta l = 2 \text{ мм}$ деб олинади;

l – тарангланаётган стерженнинг узунлиги, мм.

4. Арматурани эгувчи қурилмаларига ишқаланиши натижасида рўй берадиган кучланишнинг йўқолиши:

$$\sigma_4 = \sigma_{sp} \cdot \left(1 - \frac{l}{e_{\text{ук}} + \delta} \right)$$

$$\sigma_4 = 0;$$

5. Арматураларни қолипга бир вақтда тортилмаслиги сабабли пўлат қолипнинг деформацияланиши натижасида рўй берадиган йўқотиш.

Стенд-механик усулда тортилганда

$$\sigma_5 = 0$$

Қолип-механик усулда тортилганда

$$\sigma_5 = \frac{n-1}{2n} \frac{\Delta l}{l} E_s$$

бу ерда:

Δl – қолипнинг бўйлама деформацияси;

l – тиргакларнинг ташқи қирралари орасидаги масофа;

n – бир вақтда тортиладиган стерженлар гуруҳи сони.

Қолип конструкцияси тўғрисидаги маълумотлар бўлмаса $\sigma_5=25$ МПа қабул қилинади.

Электротермик усулда тортилганда

$$\sigma_5 = 0$$

6. Тиргакларга таяниб тарангланган арматура бўшатиладигач, олдиндан уйғотилган кучланиш бетонни сиқа бошлайди. Бунда бетонда эластик деформациялар билан бир қаторда тезкор тоб ташлаш юз беради. Бу ҳол олдиндан уйғотилган кучланишларнинг маълум миқдорда йўқолишига (камайишига) олиб келади.

$$\frac{\sigma_{bp}}{R_{bp}} \leq \alpha \quad \text{бўлганда} \quad \sigma_6 = \frac{40 \sigma_{bp}}{R_{bp}}$$

$$\frac{\sigma_{bp}}{R_{bp}} > \alpha \quad \text{бўлганда} \quad \sigma_6 = 40 \alpha + 85 \beta \left(\frac{\sigma_{bp}}{R_{bp}} - \alpha \right)$$

бу ерда σ_{bp} – арматуранинг сиқилишидан бетонда ҳосил бўлган кучланиш; $\alpha=0,25+0,025R_{bp}$ бўлиб 0,8 дан ортиқ олинмайди; $\beta=5,25-0,185R_{bp}$ бу коэффициентнинг қийматлари 1,1...2,5 оралиқда бўлади. Темирбетон элементга иссиқлик ишлови берилса 0,85 коэффициентга кўпайтирилади.

Сиқувчи куч:

$$P_1 = A_{sp}(\sigma_{sp} - \sigma_1 - \sigma_2 - \sigma_3 - \sigma_4 - \sigma_5) = 2,83 \cdot (1100 - 96,4 - 81,25 - 52 - 0 - 0) \cdot 100 = 246309 \text{ Н}$$

Бу кучни келтирилган кесимнинг оғирлик марказига нисбатан эксцентриситети:

$$e_{op} = y_{red} - a = 22 - 3 = 19 \text{ см}$$

Бетоннинг сиқилишидаги кучланиши

$$\sigma_{bp} = \frac{P_1}{A_{red}} + \frac{P_1 e_{op} y_{red}}{I_{red}} = \frac{246309}{1045} + \frac{246309 \cdot 19 \cdot 22}{91196} = 1064 \frac{\text{Н}}{\text{см}^2} = 10,64 \text{ МПа} ;$$

$\sigma_{bp}/R_{bp} \leq 0,75$ шартдан бетоннинг узатиш мустаҳкамлигини аниқлаймиз

$$R_{bp} = 10,64/0,75 = 14,19 \text{ МПа} < 0,5 \cdot B50 = 25 \text{ МПа}$$

Шунинг учун $R_{bp} = 25$ МПа қабул қиламиз.

Бунда нисбат : $\sigma_{bp}/R_{bp} = 10,64/25 = 0,43$ га тенг

Плитанинг хусусий оғирлигидан ҳосил бўлган эгувчи моментни:

$$M = \frac{2500 \cdot 1,4 \cdot 5,7^2 \cdot 100}{8} = 1421438 \text{ Н} \cdot \text{см} = 14,2 \text{ кН} \cdot \text{м}$$

эканлигини ҳисобга олган ҳолда сиқувчи куч P_1 таъсиридан зўриқтирилган арматуранинг оғирлик марказида ҳосил бўлган бетондаги сиқувчи кучланишни ҳисоблаймиз:

Демак:

$$\sigma_{bp} = \frac{246309}{1045} + \frac{(246309 \cdot 19 - 1421400) \cdot 19}{91196} = 914 \frac{H}{см^2} = 9,14 \text{ МПа} ;$$

$\sigma_{bp}/R_{bp} = 9,14/25 = 0,36$ ва $\alpha = 0,25 + 0,025R_{bp} = 0,25 + 0,025 \cdot 25 = 0,31 < 0,8$ бўлганлиги учун $\alpha = 0,31 < 0,36$ шарт асосида қуйидагини оламиз.

$$\sigma_6 = 0,85 \cdot (40 \cdot 0,31 + 85 \cdot 0,63(0,36 - 0,31)) = 12,2 \text{ МПа}$$

$$\beta = 5,25 - 0,185R_{bp} = 5,25 - 0,185 \cdot 25 = 0,63$$

Биринчи йўқотишлар йиғиндис

$$\sigma_{los1} = \sigma_1 + \sigma_2 + \sigma_3 + \sigma_4 + \sigma_5 + \sigma_6 = 96,4 + 81,25 + 52 + 0 + 0 + 12,2 = 241,85 \text{ МПа}$$

Биринчи йўқотишларни ҳисобга олган ҳолдаги кучланиш

$$\sigma_{bp} = \frac{242856}{1045} + \frac{(242856 \cdot 19 - 1421400) \cdot 19}{91196} = 896 \frac{H}{см^2} = 8,96 \text{ МПа} ;$$

$$P_2 = 2,83 \cdot (1100 - 241,85) \cdot 100 = 242856 \text{ Н}$$

Иккинчи йўқотишлар:

Нисбат: $\sigma_{bp}/R_{bp} = 8,96/25 = 0,36$

7. Бетонга тарангланганда – арматурада релаксация туфайли йўқотиш

$$\sigma_7 = \sigma_1$$

8. Бетоннинг киришишидан ҳосил бўлган кучланишларнинг йўқолиши.

Таянчга тортилганда

Иссиқлик билан ишлов берилганда:

В35 ва ундан кичик – 35 МПа

В40 – 40 МПа

В45 ва ундан катта – 50 МПа

Табиий шароитда қотганда:

В35 ва ундан кичик – 40 МПа

В40 – 50 МПа

В45 ва ундан катта – 60 МПа

Бетон синфи В50 бўлганда юқоридан $\sigma_8 = 50 \text{ МПа}$ ни қабул қиламиз.

9. Бетоннинг узоқ муддатли тоб ташлаши натижасида зўриқишларнинг берилишидан то эксплуатацион юкларнинг қўйилишигача бўлган вақт мобайнида йўқотилган кучланишлар.

$$\frac{\sigma_{bp}}{R_{bp}} \leq 0,75 \quad \text{бўлганда} \quad \sigma_9 = \frac{150 \sigma_{bp}}{R_{bp}}$$

$$\frac{\sigma_{bp}}{R_{bp}} > 0,75 \quad \text{бўлганда} \quad \sigma_9 = 300 \left(\frac{\sigma_{bp}}{R_{bp}} - 0,375 \right)$$

$\sigma_{bp}/R_{bp} = 0,36 < 0,75$ бўлганлиги учун

$$\sigma_9 = 0,85 \cdot \sigma_{bp}/R_{bp} = 0,85 \cdot 150 \cdot 0,36 = 45,9 \text{ МПа};$$

бу ерда: $\alpha = 0,85$ бетонга иссиқлик билан ишлов берилгани учун. Агар табиий шароитда қотган бетон бўлса, $\alpha = 1$ деб қабул қилинади.

Иккинчи йўқотишлар йиғиндис:

$$\sigma_{los2} = \sigma_8 + \sigma_9 = 50 + 45,9 = 95,9 \text{ МПа};$$

Жами йўқотишлар:

$$\sigma_{los} = \sigma_{los1} + \sigma_{los2} = 241,85 + 95,9 = 337,75 \text{ МПа};$$

$\sigma_{los} = 337,75 > 100$ яъни ўзининг минимал қийматидан катта. Шунинг учун $\sigma_{los} = 337,75$ МПа қабул қиламиз. Барча йўқотишларни ҳисобга олгандаги сиқувчи зўриқиш

$$P_{02} = A_{sp} \cdot (\sigma_{sp} - \sigma_{los}) = 2,83 \cdot (1100 - 337,75) \cdot 100 = 215800 \text{ Н}.$$

Бўйлама ўққа тик дарзлар ҳосил бўлишига ҳисоб

Дарзбардошлик бўйича 3-тоифага мансуб элементлар учун юкламалар бўйича ишонччилик коэффициентини қийматини $\gamma_{sp} = 1$ қабул қиламиз. $M = 49,5 \text{ кН·м}$:

Дарзлар ҳосил бўлишидаги моментни ҳисоблаймиз

$$M_{crc} = R_{bt,ser} \cdot W_{pl} + M_{rp} = 2,3 \cdot (100) \cdot 7254 + 4344741 = 6013000 \text{ Н·см} = 60,13 \text{ кН·м}$$

бу ерда $\gamma_{sp} = 0,9$ бўлгандаги сиқувчи кучнинг ядровий моменти:

$$M_{rp} = \gamma_{sp} \cdot P_{02} \cdot (e_{op} + r) = 0,9 \cdot 215800 \cdot (19 + 3,37) = 4344741 \text{ Н·см};$$

$M = 49,5 \text{ кН·м} < M_{crc} = 60,13 \text{ кН·м}$ бўлганлиги учун чўзилувчи зонада дарзлар ҳосил бўлмайди. Демак, плитани дарзлар очилишига ҳисобланмайди.

Плита сиқилганда унинг юқори зонасида бошланғич дарзлар ҳосил бўлишини текшираамиз

Тортиш аниқлиги бўйича коэффициент $\gamma_{sp} = 1,1$

Плитанинг хусусий оғирлигидан ҳосил бўлган момент: $M = 14,2 \text{ кН·м}$

Ҳисобий шарт

$$\gamma_{sp} \cdot P_1 (e_{op} - r_{inf}) - M \leq R_{btp} \cdot W'_{pl}$$

$$1,1 \cdot 246309 (19 - 9,26) - 1420000 = 1218954 \text{ Н·см}$$

$$1,6 \cdot 100 \cdot 17100 = 2736000 \text{ Н·см}$$

$1218954 \text{ Н·см} < 2736000 \text{ Н·см}$ шарт бажарилди, демак, бошланғич дарзлар ҳосил бўлмайди; бу ерда: $R_{btp} = 1,6 \text{ МПа}$, $R_{bp} = 25 \text{ МПа}$ бетоннинг етуклик мустаҳкамлигига тўғри келган чўзилишга ҳисобий қаршилик.

Бўйлама ўққа тик дарзлари бўлмаган кесимнинг солқилигини ҳисоблаш

Плита бўйлама ўқининг тўла эгрилиги:

$$(1/r)_{tot} = (1/r)_1 + (1/r)_2 - (1/r)_3 - (1/r)_4$$

1. Доимий ва узок муддатли юкламалар таъсиридан ҳосил бўлган эгрилик:

$$\left(\frac{1}{r}\right)_1 = \frac{M}{0,85 \cdot E_b \cdot I_{red}} = \frac{39,9 \cdot 10^5}{0,85 \cdot 35000 \cdot 91196 \cdot 100} = 1,47 \cdot 10^{-5} \text{ см}^{-1}$$

2. Қиска муддатли юклама таъсиридан ҳосил бўлган эгрилик:

$$\left(\frac{1}{r}\right)_2 = \frac{\varphi M_1}{0,85 \cdot E_b \cdot I_{red}} = \frac{2 \cdot 9,72 \cdot 10^5}{0,85 \cdot 35000 \cdot 91196 \cdot 100} = 0,35 \cdot 10^{-5} \text{ см}^{-1}$$

бу ерда: $M_1 = \frac{1,8 \cdot 1,4 \cdot 0,95 \cdot 5,7^2}{8} = 9,72 \text{ кН·м}$

3. Дастлабки зўриқиш таъсири натижасида давом этмайдиган юклама таъсиридан ҳосил бўлган қабариклик:

$$\left(\frac{1}{r}\right)_3 = \frac{P_{02} \cdot e_{op}}{0,85 \cdot E_b \cdot I_{red}} = \frac{215800 \cdot 19}{0,85 \cdot 35000 \cdot 91196 \cdot 100} = 1,5 \cdot 10^{-5} \text{ см}^{-1}$$

4. Дастлабки зўриқиш таъсири натижасида бетоннинг киришиш ва сирпаниш деформациялари таъсирдан ҳосил бўлган ботиклик:

$$\left(\frac{l}{r}\right)_4 = \frac{\sigma_8 + \sigma_9}{h_0 \cdot E_s} = \frac{50 + 45,9}{180000 \cdot 27} = 1,96 \cdot 10^{-5} \text{ см}^{-1}$$

Тўла эгрилик:

$$\left(\frac{l}{r}\right)_{tot} = \left(\frac{l}{r}\right)_1 + \left(\frac{l}{r}\right)_2 - \left(\frac{l}{r}\right)_3 - \left(\frac{l}{r}\right)_4 = (1,47 + 0,35 - 1,5 - 1,96) \cdot 10^{-5} = -1,64 \cdot 10^{-5} \text{ см}^{-1} < 0$$

бўлгани учун салқиликни ҳисоблаш талаб қилинмайди.

7. *Кўндаланг рама ригелидаги зўриқишларни аниқлаш

Ҳисобий схема ва юкламалар

Кўп қаватли кўндаланг раманинг ҳисобий схемаси бир хил узунликдаги ригеллар ҳамда бир хил баландликдаги устунлардан ташкил топган. Қаватлар бўйича ригел ва устунлар кесимининг ўлчамлари ҳам бир хил. Бундай кўп қаватли рамани вертикал юкламаларга ҳисоблаш учун бир қаватли рамаларга, нолга тенг моментлар яъни шарнирлар ёрдамида бўламиз. Шарнирлар бир қаватли рама устунни учларида, яъни биринчи қаватдан ташқари барча қаватлар устунини ўртасида жойлашган деб ҳисобланади.

Ригел сакрамида плитанинг қобурғалари сони тўрттадан ортиқ бўлса қобурғали плитадан қабул қилинаётган юклама тенг тарқалган деб ҳисобланади. Ригел юк майдонининг эни кўндаланг рама қадамига тенг.

Ораёпманинг 1 м^2 юзасига тўғри келадиган юкламалар ҳисоби 3-жадвалда келтирилган*.

Ригелнинг 1 м узунлигига тўғри келадиган ҳисобий юкламани ҳисоблаймиз.

Доимий: ораёпмадан – $\gamma_n=0,95$ коэффицентни ҳисобга олган ҳолда: $3,584 \cdot 5,8 \cdot 0,95 = 19,75 \text{ кН/м}$; кўндаланг кесимлари $20 \times 50 \text{ см}$ бўлган ригелнинг оғирлигидан ($\gamma=25 \text{ кН/м}^3$) ишончилилик коэффицентини ҳисобга олган ҳолда $\gamma_f = 1,1$; ва $\gamma_n = 0,95$.

$$0,2 \cdot 0,5 \cdot 25 \cdot 1,1 \cdot 0,95 = 2,61 \text{ кН/м};$$

Жами: $g = 22,36 \text{ кН/м}$;

Вақтинчалик юклама $\gamma_n=0,95$ ни ҳисобга олган ҳолда $v = 7,2 \cdot 5,8 \cdot 0,95 = 39,67 \text{ кН/м}$; Шу жумладан узоқ муддатли: $5,04 \cdot 5,8 \cdot 0,95 = 27,77 \text{ кН/м}$ ва қисқа муддатли: $2,16 \cdot 5,8 \cdot 0,95 = 11,9 \text{ кН/м}$;

Тўла юклама: $g + v = 62,03 \text{ кН/м}$;

Ригел ҳисобий кесимларидаги эгувчи моментларни ҳисоблаш

Ўрта ва четки таянчларда устунга бикр маҳкамланган тўсинлар учун таянч моментлари 11-илованинг 2-жадвали бўйича (1) $M = (\alpha \cdot g + \beta v) \cdot L^2$ формула ёрдамида ҳисоблаймиз.

Жадвалдаги α ва β коэффицентлар, ригелнинг юкланиш схемасига ва ригел билан устун бикрликлари нисбати k - коэффицентга боғлиқ. Ригелнинг кўндаланг кесими ўлчамлари $20 \times 50 \text{ см}$, устуннинг кўндаланг кесими $40 \times 40 \text{ см}$, устуннинг узунлиги $L_{col} = 3,2 \text{ м}$.

$$k = \frac{I_{bm} \cdot L_{col}}{I_{col} \cdot L_{bm}} = \frac{20 \cdot 50^3 \cdot 320}{40 \cdot 40^3 \cdot 540} = 0,58$$

Доимий ва вақтинчалик юкламаси турли сакрамларга қўйилган схемали, юкламалардан ҳосил бўлган таянчдаги эгувчи моментлар 3-жадвалда келтирилган

Ригелнинг сакрам моментлари

1) четки сакрамда 1+2-юкланиш схемаси бўйича таянчдаги моментлар $M_{12} = -133,95 \text{ кН} \cdot \text{м}$; $M_{21} = -150,07 \text{ кН} \cdot \text{м}$; юклама $g + v = 62,03 \text{ кН/м}$;

Кўндаланг куч:

$$Q_1 = \frac{(g + v) \cdot l}{2} - \frac{M_{12} - M_{21}}{l} = \frac{62,03 \cdot 5,4}{2} - \frac{-133,95 + 150,07}{5,4} = 167,49 - 2,86 = 164,63 \text{ кН}$$

* Ушбу ригелнинг ҳисоби қобирғали плитанинг давоми ҳисобланади

$$Q_2 = \frac{(g + v) \cdot l}{2} + \frac{M_{12} - M_{21}}{l} = \frac{62,03 \cdot 5,4}{2} + \frac{-133,95 + 150,07}{5,4} = 167,49 + 2,86 = 170,35 \text{ кН}$$

Максимал сакрам momenti:

$$M_1 = \frac{Q_1^2}{2 \cdot (g + v)} + M_{12} = \frac{164,63^2}{2 \cdot 62,03} - 133,95 = 84,52 \text{ кН} \cdot \text{м}$$

3-жадвал

| Юкланиш схемаси | Таянч моментлари, кН·м | | | |
|--|---|---|---|--|
| | M ₁₂ | M ₂₁ | M ₂₃ | M ₃₂ |
| | -0.0706·22,36x x5,4 ² =-46,03 | -0.09·22,36x x5,4 ² =-58,68 | -0.083·22,36x x5,4 ² =-54,12 | -54,12 |
| | -0.076·39,67 x5,4 ² =-87,92 | -0.079·39,67x x5,4 ² =-91,39 | -0.006·39,67= 5,4 ² =-6,94 | -6,94 |
| | 0.005·39,67x x5,4 ² =5,78 | -0.011·39,67x x5,4 ² =-12,73 | -0.077·39,67x x5,4 ² =-89,07 | -89,07 |
| | -0.071·39,67x x5,4 ² =-82,13 | -0.092·39,67x x5,4 ² =-106,43 | -0.087·39,67x x5,4 ² =-100,64 | -0.072·39,67x x5,4 ² =-83,29 |
| Таянч моментлари учун хисобий схемалар | 1+2 -133,95 | 1+4 -165,11 | 1+4 -154,76 | 1+4 -137,41 |
| Сакрам моментлари учун хисобий схемалар | 1+2 -133,95 | 1+2 -150,07 | 1+3 -143,19 | -143,19 |

2) ўрта сакрамда 1+3 юкланиш схемаси бўйича таянчдаги моментлар $M_{23}=M_{32}=-143,19 \text{ кН} \cdot \text{м}$. Сакрам моментининг максимал қиймати

$$M = \frac{(g + v) \cdot l^2}{8} + M_{23} = \frac{62,03 \cdot 5,4^2}{8} - 143,19 = 82,91 \text{ кН} \cdot \text{м}$$

Ригелда пластик шарнирлар ҳосил бўлиши таъсирида моментларнинг қайта тақсимланиши

1+4 юкланиш схемаси бўйича ригелнинг таянч моментлари M_{12} ва M_{23} 30% атрофида камаяди ва шунда таянчда пластик шарнирлар ҳосил бўлади.

1+4 юкланиш схемаси моментлар эпюрасига тенглаштирувчи моментлар эпюрасини шундай қўйиш керакки, бунда $M_{21} = M_{23}$ таянч моментлар тенглашсин ва ригелнинг таянч бирикмасини арматуралаш қулай бўлсин.

Тенглаштирувчи моментлар эпюрасининг ординатаси

$$\Delta M_{21} = 0,3 \cdot 165,11 = 49,54 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

$$\Delta M_{23} = \Delta M_{21} - (M_{23} - M_{21}) = 49,54 - (-154,76 + 165,11) = 39,19 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

$$\Delta M_{12} = -\frac{M_{21}}{3} = -\frac{49,54}{3} = -16,52 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

$$\Delta M_{32} = -\frac{M_{23}}{3} = -\frac{39,19}{3} = -13,07 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

Бирикмадаги тенглаштирувчи моментлар эпюраси орасидаги фарқ устунга узатилади. Тенглаштирилган моментлар эпюрасидаги таянч моментлари:

$$M_{12} = -46,03 - 82,13 - 16,52 = -144,68 \text{ кН} \cdot \text{м}$$

$$M_{21} = -165,11 + 49,54 = -115,57 \text{ кН} \cdot \text{м}$$

$$M_{23} = -154,76 + 39,19 = -115,57 \text{ кН} \cdot \text{м}$$

$$M_{32} = -54,12 - 83,29 - 13,07 = -150,48 \text{ кН} \cdot \text{м}$$

Тенглаштирилган моментлар эпюрасидаги сакрам моментларининг қиймати $I+2$ ва $I+3$ юкланишлар схемасидаги сакрам моментларидан катта бўлиши мумкин, бунда улар ҳисобий моментлар бўлиб қолади.

Ригелнинг устун четидаги таянч моментлари

Ўрта таянчларда $I+4$ юкланиш схемасидаги устун четидаги ригелнинг моментлари ҳамма вақт ҳам ҳисобий бўлмайди. (абсолют қиймати бўйича). Вақтинчалик юкламалар катта бўлганда ва устун бикрлиги нисбатан кичик бўлганда таянч моментлари $I+2$ ёки $I+3$ юкланиш схемаларида ҳисобий бўлиши мумкин.

Ўрта устуннинг чап томонидаги ригелнинг таянч моментлари $M_{(21),1}$ (абсолют қийматлар).

1) $I+4$ юкланиш схемаси ва тенглаштирилган моментлар эпюраси:

$$M_{12} = M_{21} - \frac{Q_2 \cdot h_{col}}{2} = 115,57 - \frac{172,9 \cdot 0,4}{2} = 80,99 \text{ кН} \cdot \text{м}$$

$$Q_2 = \frac{(g + v) \cdot l}{2} - \frac{M_{12} - M_{21}}{l} = \frac{62,03 \cdot 5,4}{2} - \frac{-144,68 + 115,57}{5,4} = 167,5 + 5,4 = 172,9 \text{ кН}$$

$$Q_1 = \frac{(g + v) \cdot l}{2} + \frac{M_{12} - M_{21}}{l} = \frac{62,03 \cdot 5,4}{2} + \frac{-144,68 + 115,57}{5,4} = 167,5 - 5,4 = 162,1 \text{ кН}$$

2) $I+3$ юкланиш схемаси бўйича:

$$M_{(21),1} = 71,41 - \frac{66,2 \cdot 0,4}{2} = 59,3 \text{ кН} \cdot \text{м}$$

$$Q_2 = \frac{g \cdot l}{2} - \frac{M_{21} - M_{12}}{l} = \frac{22,36 \cdot 5,4}{2} - \frac{-71,41 + 40,25}{5,4} = 60,4 + 5,8 = 66,2 \text{ кН};$$

3) $I+2$ юкланиш схемаси бўйича:

$$M_{(21),1} = 150,07 - \frac{172,9 \cdot 0,4}{2} = 115,49 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

Ўрта устуннинг ўнг томонидаги ригелнинг таянч momenti $M_{(23),1}$

1) $I+4$ юкланиш схемаси ва тенглаштирилган моментлар бўйича:

$$M_{(23),1} = M_{23} - \frac{Q \cdot h_{col}}{2} = 115,57 - \frac{161 \cdot 0,4}{2} = 83,37 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

$$Q = \frac{62,03 \cdot 5,4}{2} - \frac{-115,57 + 150,48}{5,4} = 167,5 - 6,5 = 161 \text{ кН};$$

2) 1+2 юкланиш схемаси бўйича:

$$M_{(23),1} < M_{23} = -61,06 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

Демак, ўрта таянч бўйича ригелдаги ҳисобий таянч моменти:

$$M = 115,49 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

1+4 юкланиш схемаси ва тенглаштирилган моментлар эпюраси бўйича четки устун ригелидаги таянч моменти:

$$M_{(21),1} = M_{12} - \frac{Q_1 \cdot h_{col}}{2} = 144,68 - \frac{162,1 \cdot 0,4}{2} = 112,26 \text{ кН} \cdot \text{м};$$

Ригелнинг кўндаланг кучлари

Четки таянчда: $Q_1 = 162,1 \text{ кН}$, 1+4 юкланиш схемаси ўрта таянчнинг чап томонида:

$$Q_1 = \frac{(g + v) \cdot l}{2} + \frac{M_{21} - M_{12}}{l} = \frac{62,03 \cdot 5,4}{2} + \frac{-165,11 + 128,16}{5,4} = 167,5 - 6,9 = 160,6 \text{ кН};$$

